

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

**ЮЛДАШЕВА ХАВАСХОН ТОЖИДИНОВНА**

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА ЗАЙТУН НАВЛАРИНИНГ  
БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ, ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ  
ВА КЎПАЙТИРИШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Юлдашева Хавасхон Тождиновна**

Фарғона водийси шароитида зайтун навларининг биологик хусусиятлари,  
қимматли хўжалик белгилари ва кўпайтириш усулларини ишлаб чиқиш.....3

**Юлдашева Хавасхон Тождиновна**

Биологические особенности, хозяйственно-ценные признаки сортов оливы и  
разработка способов её размножения в условиях Ферганской долины.....18

**Yuldasheva Xavaskhon Tojidinovna**

Biological features precious-valuable attributes of grades olive and development  
of ways it of duplication in conditions of the Fergana valley.....33

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....36

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

**ЮЛДАШЕВА ХАВАСХОН ТОЖИДИНОВНА**

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА ЗАЙТУН НАВЛАРИНИНГ  
БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ, ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ  
ВА КўПАЙТИРИШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Qx43 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Ёрматова Дилором Ёрматовна**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

**Исламов Соҳиб Яхшибекович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Жураев Эркин Бахтиёрович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

**Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик,  
узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти**


Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «18» март соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).


Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (541943 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «9» март кuni тарқатилди.  
(2020 йил «27» июн даги 07.01 -рақамли реестр баённомаси).



 **Х.Ч.Буриев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., профессор

 **З.А.Абдикаюмов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к/х.ф.ф.д., доцент

 **М.М.Адилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё бўйича етиштирилаётган зайтун дарахтларининг микдори қарийб 750 миллиондан зиёд бўлиб, унинг 95 фоизи Ўрта ер денгизи ҳудудида жойлашган. Зайтун маҳсулотларини етиштиришнинг 93 фоизи Испания, Италия, Греция каби Европа мамлакатлари улушига тўғри келади. Дунёда энг йирик зайтун боғлари Испаниянинг Жаен вилоятида бўлиб, у ерда 300 миллиондан ортиқ зайтун дарахтлари мавжуд. Зайтун юқори озуқабоп, таркибида ёғ, қанд, пектин, А, В, С, Е, Р гуруҳ витаминлари, К, Fe, Р каби кул моддаларига бой бўлган шифобахш мевали ўсимлик бўлганлиги сабабли, йилига дунё бўйича 600000–1000000 тонна зайтун мойи ишлаб чиқарилади<sup>1</sup>.

Дунё бўйича зайтун ўсимлигининг бошқа мамлакатлардан интродукция қилиш, уларнинг морфо-биологик хусусиятларини тадқиқ қилиш, янги интродукция қилинган, серҳосил, ташқи муҳит омилларга бардошли навларни яратиш ва уларни етиштириш технологияларининг такомиллаштирилган элементларини ишлаб чиқиш борасида кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, зайтуннинг дунёга машҳур «Каламата», «Мавроэлия», «Халкидики» (Греция), «Понтентин», «Гаэта» (Италия), «Гемлик» (Туркия), «Гордаль» (Испания) каби қора, яшил ва олтинсимон мевали навлари яратилган. Зайтун етиштиришда етакчилик қилаётган Европа давлатларида зайтун кўчатларини етиштиришнинг жадаллашган усуллари, зайтунзор плантацияларини яратиш бўйича замонавий интенсив технологиялар ишлаб чиқилган.

Сўнги йилларда республикамизда мева-сабзавот ўсимликлари ассортиментини тубдан кенгайтириш, ноанъанавий мева турларини республикамизнинг ўзида етиштириш ҳисобига валюта тежамкорлигига эришиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Олимларимиз томонидан Ўзбекистон иқлим шароитига мос янги мева турлари интродукция қилиниб, уларни илмий асосда ўрганиш воситасида ишлаб чиқаришга тадбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам республикада «...таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш»<sup>2</sup> алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бироқ, бугунги кунда зайтун мойи ва меваларига бўлган талаб импорт ҳисобига қондирилмоқда. Шу боис, зайтуннинг республикага интродукция қилинган истиқболли навларини чуқур ўрганиш асосида уларни республика тупроқ-иқлимига мослаштириш, уларни кўпайтириш ва етиштириш агротехникасининг самарали элементларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

<sup>1</sup><http://www.prosodol.gr>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ва фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганганлик даражаси.** Зайтун ўсимлигининг биологияси, иқлимлаштириш ва жадал кўпайтириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича Испания, Италия, АҚШ, Германия, Туркия, Озарбайжон, Россия, Украина ва бошқа мамлакатларда Н.И.Вавилов, В.Т.Чихладзе, А.Е.Таги-заде, Н.Ф.Соколова, Б.Миланов, И.А.Жигаревич, А.А.Ржевкин, В.М.Руденко, республикамизда эса Д.Ё.Ёрматова, Х.Ч.Буриев, Н.Ш.Енилеев, Э.Б.Жўраев, Х.С.Хушвақтова каби олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Дунё ва мамлакатимиз олимларининг бу борада амалга оширилган тадқиқотлари натижасида зайтуннинг муайян жой тупроқ-иқлимига мос истиқболли навларини танлаш, ўсимликни қаламчасидан кўпайтириш технологиясини илмий асослаш, интенсив боғларда зайтун етиштириш технологияларини такомиллаштириш тамойиллари яратилган. Хусусан, нав танлашда ўсимликлар ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятлари, ҳосилдорлик элементларининг шаклланиши, қурғоқчилик ва совуққа чидамлиликини асос қилиб олиш, зайтун кўчатларини яшил ва ярим ёғочлашган қаламчасидан кўпайтириш ва бошқалар бўйича тавсиялар берилган.

Республикамизда бугунги кунда зайтун боғларини барпо қилиш асосида ушбу қимматли мева турини мамлакатимизнинг ўзида етиштириш мақсадида унинг совуққа чидамли навларини интродукция қилиш, навларнинг морфо-биологик ва хўжалик хусусиятларини ўрганиш асосида энг мақбул намуналарни танлаш, муайян навга хос жадал кўпайтириш ва агротехника элементларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу боис ушбу диссертация тадқиқотида белгиланган йўналишлар, яъни интродукция қилинган зайтун нав коллекциясидан истиқболли навларни ажратиш, навларининг қишки совуқларга чидамлилигини баҳолаш ва уларни етиштиришнинг жадаллашган технологияларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда, мазкур вазифаларнинг самарали ечимини топиш эса мамлакатимизда зайтун етиштиришни йўлга қўйиш имконини беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр

университети қошидаги Андижон филиали ва Андижон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган бўлиб, ИТД-А9-40-2015 «Зайтун навларини етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш ва иқлим ўзгаришида агромайдонга мослаштириш» (2015–2017 йй.) амалий лойихаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Фарғона водийси шароитида зайтунзорлар яратиш мақсадида, интродукция қилинган зайтунни нав намуналарини морфо-биологик ва қимматли-хўжалик белгиларини баҳолаш, янги, истиқболли навларни иқлимлаштириш ва етиштириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

зайтунни иқлимлаштирилган нав намуналарининг морфо-биологик ва қимматли-хўжалик белгиларини тадқиқ қилиш асосида истиқболли навларни ажратиш;

ажратилган зайтун навларининг танлов синовини ташкил этиш ва уларнинг истиқболлиларини Давлат нав синовига топшириш;

зайтуннинг иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қорақўз» навларини совуққа чидамлилигини баҳолаш;

Фарғона водийси шароитида зайтуннинг иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қорақўз» навларини кўпайтириш технологиясининг самарали усулини ишлаб чиқиш;

зайтуннинг иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қорақўз» навларини етиштиришнинг агротехник тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида зайтуннинг интродукция қилинган: «Никитская I», «Никитская крупноплодная», «Тифлисская», «Колхозница», «Бакинская-25», «Севильяно», «Асколана», «Халкидики», «Консерволеа», «Альфонсо», «Нионс», «Газиантеп», «Корджола», «Крымская 172» ва иқлимлаштирилган «Изумруд», «Қорақўз» навлари хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб зайтуннинг интродукция қилинган навларини ўсиш ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятлари, қишки совуқларга чидамлилигини ўрганиш усуллари, зайтун мевасининг биокимёвий таркиби ва кўчатларни кўпайтириш усуллари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот дастурида келтирилган дала ва лаборатория тажрибалари Х.Ч.Буриев ва бошқаларнинг «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» (2014), Г.А.Лобанованинг «Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур» (1980), В.А.Шолохованинг «Первичное сортоизучение маслины» (1973), В.Ф.Моисейченконинг «Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами» (1987) номли услубий асарларида келтирилган тавсиялар бўйича амалга оширилди. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан Б.А.Доспехов (1985) тавсия этган услуб бўйича ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор зайтунни иқлимлаштирилган нав намуналарининг морфо-биологик ва қимматли-хўжалик белгилари юқори бўлган истиқболли навлари ажратилган;

зайтун навларининг танлов синови ташкил этилган ва уларнинг истиқболлилари Давлат нав синовиға топширилган;

зайтуннинг иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қорақўз» навларини совуққа чидамлилигини баҳоланган;

Фарғона водийси шароитида зайтуннинг иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қорақўз» навларини кўпайтириш технологиясининг самарали усули ишлаб чиқилган;

зайтуннинг иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қорақўз» навларини етиштиришнинг агротехник тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

интродукция қилинган зайтун навларининг морфо-биологик хусусиятлари ва қимматли хўжалик аҳамиятига эга бўлган белгилари баҳоланган;

интродукция қилинган зайтун навлари орасидан Фарғона водийси иқлим шароитиға мос ва қишки совуқларға чидамли навлар ажратилган;

2015 йили қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш бўйича Давлат комиссиясига истиқболли, серҳосил, совуққа бардошли зайтуннинг янги «Изумруд» ва «Қорақўз» навлари топширилган;

зайтуннинг янги «Изумруд» ва «Қорақўз» навларини етиштириш бўйича агротехник тадбирлар схемаси ва кўчат етиштириш усуллари аниқланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** дала тажрибаларининг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги; илмий-тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришға жорий этилганлиги; тадқиқот натижалари республика ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда, инновацин ярмаркаларда муҳокама қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти интродукция қилинган зайтун ўсимликларининг морфо-биологик хусусиятлари, қимматли-хўжалик белгилари ва қишки совуқларға чидамлилигининг баҳоланганлиги, иқлимлаштирилган зайтун навлари маҳсулдорлигини етиштириш технологиясига боғлиқлигининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юқори самарали зайтун боғларини барпо қилиш учун иқлимлаштирилган истиқболли зайтун навларининг ажратилганлиги, янги навларнинг ҳосилдорлигини потенциал ошириш имконини берувчи мақбул етиштириш технологияларининг ишлаб чиқилганлигидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фарғона водийси шароитида зайтунзорлар яратиш мақсадида интродукция қилинган зайтунни нав намуналарини морфо-биологик ва қимматли-хўжалик белгиларини баҳолаш, янги, истиқболли навларни иқлимлаштириш ва етиштириш

технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари учун «Зайтун етиштириш усуллари», «Ўзбекистон зайтуни» номли монографиялар, «Зайтун агротехникаси ва самарадорлиги» ва «Иқлимлаштирилган зайтун навларини етиштириш бўйича агротехник тадбирлар схемаси» номли тавсияномалар чоп этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 18 февралдаги, 02/030-99-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу ишланмалар боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида зайтун экинларини ва кўчатларини етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилган;

зайтун қаламчаларига турли стимуляторлар қўллаш орқали кўчатларни илдиз отиш сифати, ўсиши, ривожланишига таъсири бўйича ишланмаси Фарғона вилояти Учкўприк тумани «Меҳригиё» хусусий корхонасининг дала майдончасида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 18 февралдаги, 02/030-99-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида 0,1 гектар майдонда 63258 дона юқори сифатли кўчат етиштирилиб, иқтисодий самарадорлиги ўртача 177,1 млн. сўмни ташкил этган.

зайтун қаламчаларига экишдан олдин ўсишни бошқарувчи модда (ИМК) билан ишлов беришнинг кўчатларни илдиз отиш сифати, ўсиши ва ривожланишига таъсири бўйича ишланмаси Андижон вилоятидаги Халқаро Бобур Хайрия фонди қошида «Субтропик экинлар Илмий марказида» 0,1 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 18 февралдаги, 02/030-99-сонли маълумотномаси). Натижада 58631 донагача юқори сифатли кўчат етиштиришга эришилган ва иқтисодий самарадорлик ўртача 164,1 млн. сўмни ташкил этган;

зайтуннинг «Изумруд» ва «Қорақўз» навлари яратилиб, Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Марказига топширилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг 2015 йил 6-сентябрдаги 53/4-403-сон маълумотномаси). Натижада мазкур навлар Андижон вилоятининг нав синаш станцияларида Давлат нав синовидан ўтказилиб, 2015 йилдан Ўзбекистон ҳудудида экишга тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда ҳамда 2 та монография ва 2 та тавсиянома нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Зайтун ўсимлигининг ботаник тавсифи, биологик хусусиятлари, халқ хўжалигидаги аҳамияти»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Бинобарин, зайтун ўсимлигининг келиб чиқиши, тарқалиши, ботаник таърифи ва биологик хусусиятлари, зайтун ўсимлигининг ташқи муҳит омилларига муносабати, зайтун ўсимлигини кўпайтиришнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотни ўтказиш шароити, объекти ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Ушбу бобнинг «Тадқиқот объекти ва услублари» бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш схемалари, тажриба ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Фарғона водийси шароитига интродукция қилинган зайтун навларининг морфо-биологик хусусиятларини тадқиқ қилиш»** деб номланган учинчи бобида зайтунни коллекцион навлари ўсимликларини Фарғона водийси шароитида ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Ушбу бобнинг «Интродукция қилинган зайтун нав коллекциясидан Фарғона водийси шароитига мос навларни ажратиш» деб номланган бўлимида зайтун навларини вегетация фазаларининг ўтиши ва тупининг морфологик кўрсаткичлари ўрганилган.

Кузатувлар шуни кўрсатдики, зайтунни ўрганилган коллекцион навларида куртакларнинг ёзила бошлаши деярли бир хил муддатда, 4 кунгача фарқ билан 12 апрелдан 16 апрелгача бўлган даврда қайд этилди. Бироқ гуллашнинг (10%) энг эрта – 19 апрелда бошланиши билан «Никитская крупноплодная» ва «Колхозница» навлари ажралиб турди. Энг кеч гуллаш «Консерволеа»,

«Газиантеп», «Корджола» ва «Крымская 172» навларида – 25 апрел санасида қайд этилди. Қолган навларнинг гуллаш муддати ушбу навлар ўртасида оралик даврни эгаллади.

Мевасининг тезпишарлиги билан Колхозница нави ажралиб турди. Унинг дастлабки мевалари 17 октябр, 75% мевалари 25 октябрда пиша бошлайди. Энг кеч пишиш «Газиантеп» навида қайд этилди – мос ҳолда 26 октябр ва 5 ноябрь. Қолган навларнинг пишиш муддати оралик ўрин эгаллади (1-жадвал).

Зайтун навларини вегетация даврининг давомийлиги (куртаклаш-пишиш) бўйича уч гуруҳга бўлиш мумкин:

вегетация даври давомийлиги 181 кунгача бўлган навлар – «Крымская 172»;

вегетация даври давомийлиги 185 кунгача бўлган навлар – «Никитская I», «Тифлисская», «Бакинская-25», «Севильяно»;

вегетация даври давомийлиги 189 кунгача бўлган навлар – «Нионс», «Асколана», «Колхозница».

Зайтунни ўрганилган коллекцион навларида асосий поянинг узунлиги (85-87 см), ён шохларининг узунлиги (25-28 см) ва уларнинг сони (5,6-6,0 дона) кўрсаткичлари бўйича «Никитская I», «Крымская 172», «Севильяно» навлари устунликка эга бўлди. Энг суғуриши «Консерволеа» навида (мос ҳолда 83 см ва 19 см) кузатилди. Қолган навларнинг ўсиш параметрлари ушбу навлар ўртасида оралик ўрин эгаллади.

Асосий пояда баргларнинг энг кўп (20-21 дона) ҳосил бўлиши «Крымская 172», «Севильяно» ва «Корджола» навлари, энг кам (14-15,5 дона) ҳосил бўлиши «Консерволеа», «Газиантеп» ва «Халкидики» навларида кузатилди. Қолган навлар асосий пояда шаклланган барг сони бўйича ушбу навлар ўртасида оралик ўрин эгаллади. Барг сонига боғлиқ равишда энг катта барг сатҳи (123,8-127,2 см<sup>2</sup>) «Никитская I», «Газиантеп» ва «Крымская 172» навларида, энг кичик (102,2-104,2 см<sup>2</sup>) барг сатҳи «Консерволеа» ва «Корджола» навларида қайд этилди. Қолган навларнинг барг сатҳи кўрсаткичи ушбу навлар ўртасида оралик ўрин эгаллади ва 106,7-118,6 см<sup>2</sup> оралиғида ўзгарди.

«Зайтуннинг иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қорақўз» навларини ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятлари» деб номланган бўлимида коллекцияда ўрганилган зайтун нав намуналаридан энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган «Крымская 172» ва «Газиантеп» навларидан танлов йўли билан ажратиб олингани янги нав-намуналарни синаш бўйича олиб борилган тажриба маълумотлари келтирилган. Кузатувлар шуни кўрсатдики, иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қорақўз» навлари назорат – «Газиантеп» ва «Крымская 172» навларидан ўсув фазаларининг эрта кечиши билан ажралиб турди, яъни назоратга нисбатан куртаклашда 2, гуллашда 3, мева туғишда 3-4 ва пиша бошлашида 5-8 кунга илгарилаш қайд этилди.

Ён шохларининг узунлиги ва сони жиҳатидан ҳам «Изумруд» ва «Қорақўз» навлари устунликка эга бўлди. Ушбу навларда биометрик кўрсаткичлар назорат – «Газиантеп» ва «Крымская 172» навларига нисбатан 20-25% юқори кўрсаткичларда бўлди.

**Коллекциядаги зайтун навлари ўсимликларида фенологик фазаларнинг ўтиш муддати  
ва давомийлиги, 2012–2013 йиллар**

Навлар	Куртаклаш	Гуллаш		Мева тугиш		Пишиш		Куртаклаш-пишиш даври давомийлиги, кун
		10%	75%	10%	75%	10%	75%	
Никитская I	14.04±2.0	23.04±3.0	30.04±1.0	14.05±2.0	22.05±1.0	19.10±3.0	27.10±2.0	185
Никитская крупноплодная	13.04±3.0	19.04±2.0	28.04±2.0	12.05±1.0	20.05±3.0	19.10±2.0	27.10±1.0	186
Тифлисская	14.04±4.0	21.04±3.0	30.04±2.0	14.05±4.0	22.05±2.0	19.10±4.0	28.10±3.0	185
Крымская 172	12.04±2.0	19.04±4.0	27.04±1.0	12.05±3.0	20.05±2.0	17.10±4.0	25.10±2.0	181
Бакинская-25	15.04±3.0	22.04±2.0	30.04±4.0	14.05±3.0	21.05±1.0	19.10±2.0	27.10±1.0	184
Севильяно	15.04±4.0	23.04±1.0	29.04±2.0	15.05±1.0	23.05±2.0	19.10±4.0	28.10±3.0	184
Асколана	15.04±2.0	22.04±4.0	30.05±2.0	15.05±2.0	21.05±1.0	20.10±3.0	29.10±2.0	185
Халкидики	15.04±3.0	22.04±2.0	30.04±4.0	14.05±1.0	22.05±3.0	19.10±2.0	28.10±4.0	184
Консерволеа	17.04±2.0	25.04±3.0	03.05±1.0	17.05±3.0	20.05±2.0	21.10±1.0	01.11±3.0	184
Альфонсо	17.04±4.0	24.04±1.0	03.05±3.0	17.05±2.0	25.05±4.0	23.10±2.0	02.11±1.0	186
Нионс	17.04±3.0	23.04±2.0	02.05±4.0	17.05±1.0	24.05±3.0	24.1±4.00	02.11±2.0	187
Газиантеп	17.04±2.0	25.04±1.0	02.05±2.0	18.05±4.0	25.05±2.0	26.10±1.0	05.11±3.0	189
Корджола	17.04±3.0	25.04±2.0	03.05±3.0	18.05±1.0	24.05±2.0	25.10±3.0	04.11±1.0	188
Колхозница	16.04±1.0	25.04±3.0	03.05±1.0	18.05±2.0	26.05±4.0	25.10±1.0	03.11±2.0	189

«Зайтуннинг иқлимлаштирилган Изумруд ва Қоракўз навларини ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятлари» деб номланган бўлимида коллекцияда ўрганилган зайтун нав намуналаридан энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган Крымская 172 ва Газиантеп навларидан танлов йўли билан ажратиб олингани янги нав-намуналарни синаш бўйича олиб борилган тажриба маълумотлари келтирилган. Кузатувлар шуни кўрсатдики, иқлимлаштирилган Изумруд ва Қоракўз навлари назорат – Газиантеп ва Крымская 172 навларидан ўсув фазаларининг эрта кечиши билан ажралиб турди, яъни назоратга нисбатан куртаклашда 2, гуллашда 3, мева тугишда 3-4 ва пиша бошлашида 5-8 кунга илгарилаш қайд этилди.

Битта новдадаги умумий барг сатҳи назорат Газиантеп навида 17,1 см<sup>2</sup> дан 19,5 см<sup>2</sup> гача, Крымская 172 навида эса 16,2 см<sup>2</sup> дан 20,0 см<sup>2</sup> гача бўлган бўлса, иқлимлаштирилган Изумруд ва Қоракўз навларида 17,0-20,1 ва 16,8-20,1 см<sup>2</sup> гача етди (2-жадвал).

2-жадвал

**Иқлимлаштирилган зайтун навларида барг сатҳининг ўсиш динамикаси, 2016–2018 йиллар**

Навлар	Барг сатҳи, см <sup>2</sup> ҳисобида				
	1-апрел	1-июн	1-август	1-сентябр	ўртача
2016 й.					
Изумруд	18,0	22,9	85,1	112,8	59,7
Қоракўз	18,2	23,2	85,6	113,5	60,1
Газиантеп (назорат)	19,5	21,9	81,3	107,8	57,6
Крымская 172 (назорат)	17,1	21,8	80,8	107,1	56,7
НСР <sub>05</sub>					2,53
S <sub>x̄</sub> %					2,3
2017 й.					
Изумруд	18,1	23,1	85,0	112,7	59,7
Қоракўз	17,5	22,3	83,0	110,0	58,2
Газиантеп (назорат)	18,7	22,4	83,2	110,3	58,6
Крымская 172 (назорат)	19,4	22,8	84,4	111,9	59,6
НСР <sub>05</sub>					3,35
S <sub>x̄</sub> %					3,1
2018 й					
Изумруд	17,7	22,6	83,3	110,4	58,5
Қоракўз	17,8	22,7	83,8	111,1	58,8
Газиантеп	18,1	22,2	82,4	109,2	57,9
Крымская 172	20,0	23,1	85,8	113,7	60,6
НСР <sub>05</sub>					2,33
S <sub>x̄</sub> %					2,4

Ён шохларининг узунлиги ва сони жиҳатидан ҳам Изумруд ва Қоракўз навлари устунликка эга бўлди. Ушбу навларда биометрик кўрсаткичлар назорат – Газиантеп ва Крымская 172 навларига нисбатан 20–25% юқори кўрсаткичларда бўлди.

«Зайтунни иқлимлаштирилган навларининг қишки совуқларга чидамлилигини баҳолаш» деб номланган бўлимида зайтуннинг иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қоракўз» навларининг паст ҳароратларга чидамлик даражасини баҳолаш бўйича олиб борилган тажриба маълумотлари келтирилган.

Кузатувлар шуни кўрсатдики, иқлимлаштирилган зайтун навлари совуққа нисбатан чидамлилиги билан ажралиб турди. Ўрганилган энг паст (-10 °С) ҳароратда «Изумруд» навининг сақланувчанлик даражаси баргларида 94,2%, новдаларида 41,2%, «Қоракўз» навида мос ҳолда 95,6% ва 44,8% га тенг бўлди. Бу эса яъни назорат – «Газиантеп» ва «Крымская 172» навларидан мос ҳолда 5,6 ва 6,3% га юқори бўлди (3-жадвал).

Иқлимлаштирилган навларнинг дала шароитида сақланувчанлик даражасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 1 балли даражада зарарланган дарахтлари сони мос ҳолда 2 ва 1 та, 2 балли даражада зарарланганлари 3 ва 2 та, 3 балли даражада зарарланганлари 1 ва 1 та га камроқ бўлди.

Диссертациянинг «Зайтуннинг иқлимлаштирилган Изумруд ва Қоракўз навларини қимматли хўжалик белгиларини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида зайтуннинг иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қоракўз» навларининг ҳосилдорлик кўрсаткичларини ўрганиш, уларни яшил қаламчасидан кўпайтириш ва энг самарали етиштириш технологияси ишлаб чиқиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

3-жадвал


**Иқлимлаштирилган зайтун навларининг совуққа чидамлилиги, 2016-2018 йиллар**

Пайвандтаг типии	Ҳар хил паст ҳароратга чидамлик даражаси, %					
	0°С	-2°С	-4°С	-6°С	-8°С	-10°С
Баргларида						
Изумруд	1,2	6,7	25,6	58,9	88,6	94,2
Қоракўз	1,3	7,8	27,8	60,2	90,3	95,6
Газиантеп – наз. 1	1,8	11,3	35,9	75,8	97,5	99,8
Крымская 172 – наз. 2	1,7	10,5	33,5	70,1	95,3	98,6
Новдаларида						
Изумруд	-	1,7	6,1	19,3	33,5	41,2
Қоракўз	-	2,3	7,2	20,5	35,8	44,8
Газиантеп – наз. 1	-	3,4	8,5	24,8	39,7	52,6
Крымская 172 – наз. 2	-	3,0	8,1	21,9	38,6	50,1

Ушбу бобнинг «Янги истикболли «Изумруд» ва «Қоракўз» навлари вегетатив аъзоларида асосий озуқа элементларининг тўпланиши» деб номланган бўлимида тажриба ўсимликларида озуқа элементларининг

тўпланиши тадқиқ қилинган.


Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўсув даврида «Крымская 172» нави баргларида умумий азот миқдори 1,838%, новдаларида 0,926 ни, «Қоракўз» навида мос равишда 1,729-1,017% ни ташкил этган бўлса, иқлимлаштирилган «Изумруд» ва Туркиядан келтирилган «Газиантеп» зайтун навлари баргларида 1,897–2,092%, новдаларида эса, 0,858-0,950% бўлганлиги кузатилди. Фосфор миқдори «Газиантеп» навида бошқа навларга нисбатан мос равишда 0,363-0,092 ва 0,124-0,228% юқори бўлди (1-расм).



**1-расм. Зайтун навларининг вегетатив органларида минерал моддаларнинг тўпланиши, фоиз ҳисобида, 2016-2018 йиллар**

Ўрганилган навларнинг барглардаги умумий калий миқдори «Изумруд» ва «Қоракўз» навларида 0,179-0,176%, новдаларида 1,781-1,585% ни ташкил, «Газиантеп» ва «Крымская 172» навларида эса баргларда 0,140-0,135%, новдаларида 1,549-1,555% ни ташкил қилди.

Диссертация ишининг «Изумруд» ва «Қоракўз» навлари ўсимликларида ҳосил элементларининг шаклланиши ва ҳосилдорлиги» деб номланган бўлимида иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қоракўз» навлари ўсимликларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари тадқиқ қилинган. Кузатувларнинг кўрсатишича, «Изумруд» навининг бир дарахтидан олинган ўртача ҳосил 5,7 кг атрофида бўлди. Бу вақтда назорат – «Газиантеп» навида бир дарахтнинг ўртача 5,1 кг дан ошмади. «Қоракўз» нави дарахтларидан олинган ўртача ҳосил 7,1 кг ни ташкил этган бўлса, назорат «Крымская 172» навидан олинган ўртача ҳосил 4,1 кг ни ташкил қилди. Иқлимлаштирилган ушбу навлар ҳосилдорлиги мос равишда 9,8 ва 9,3 т/га бўлиб, назоратдан 2,4 ва 4,3 т/га га юқори бўлди (2-расм).



**2-расм. Зайтун навлари бир туп дарахтининг ўртача ҳосили ва ҳосилдорлиги**

Зайтуннинг иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қоракўз» навларида меваларида эт ва данак миқдори мос ҳолда 76:24 ва 74:26 фоизини ташкил қилди.

Диссертация ишининг «Зайтуннинг иқлимлаштирилган навларини қаламчасидан кўпайтириш усулини такомиллаштириш» деб номланган бўлимида иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қоракўз» навлари ўсимликларини жадал кўпайтиришнинг самарали усулини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тажриба натижалари келтирилган. Тажриба натижаларининг кўрсатишича, зайтуннинг иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қоракўз» навларини яшил қаламчасидан кўпайтиришда 4-5 ойлик новдалардан фойдаланиш ва уларга ўстирувчи модда – корневин билан 15-18 соат давомида ишлов бериш яхши натижа беради. Бунда қаламчаларнинг 85,3% гача илдиз олишига эришилади.

Зайтуннинг иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қоракўз» навларини махсус иншоотда сунъий субстратда ярим ёғочлашган яшил қаламчасидан кўпайтириш иқтисодий жиҳатдан самарали усул бўлиб, иншоотнинг 900 м<sup>2</sup> (умумий майдон 10 сотих) фойдали майдонидан 68 млн. даромад олиш ёки 310% гача самарадорликка эришиш имконини беради.

Диссертация ишининг сўнги «Иқлимлаштирилган зайтун навлари учун агротехник тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш» деб номланган бўлимида иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қоракўз» навлари ўсимликларини Фаргона вилояти шароитида етиштириш учун агротехник тадбирлар мажмуини ишлаб чиқилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Зайтунни ўрганилган коллекцион навларида мевасининг тезпишарлиги билан «Колхозница» нави ажралиб турди. Унинг 75% мевалари 25 октябрда

пиша бошлаганлиги кузатилди. Энг кеч пишиш «Газиантеп» навида қайд этилди –5 ноябрь. Қолган навларнинг пишиш муддати оралик ўрин эгаллади.

2. Зайтун навларини вегетация даврининг давомийлиги (куртаклаш-пишиш) бўйича уч гуруҳга бўлиш мумкин:

вегетация даври давомийлиги 181 кунгача – «Крымская 172»;

вегетация даври давомийлиги 185 кунгача – «Никитская I», «Тифлисская», «Бакинская-25», «Севильяно»;

вегетация даври давомийлиги 189 кунгача – «Нионс», «Асколана», «Колхозница».

3. Зайтунни иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қоракўз» навлари назорат – «Газиантеп» ва «Кримская 172» навларидан ўсув фазаларининг эрта кечиши билан ажралиб турди, яъни назоратга нисбатан куртаклашда 2, гуллашда 3, мева тугишда 3-4 ва пиша бошлашида 5-8 кунга илгарилаш қайд этилди.

4. Иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қоракўз» навлари назорат – «Газиантеп» ва «Кримская 172» навларидан совуққа нисбатан чидамлилиги билан ажралиб турди, яъни 1 балли даражада зарарланган дарахтлар мос ҳолда 2 ва 1 та, 2 балли даражада зарарланган дарахтлар 3 ва 2 та, 3 балли даражада зарарланган дарахтлар 1 ва 1 та га камроқ бўлди.

5. Иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қоракўз» навларининг бир дарахтидан олинган ўртача ҳосил 5,7 кг ва 7,1 кг ни ташкил қилди. Иқлимлаштирилган ушбу навлар ҳосилдорлиги мос равишда 9,8 ва 9,3 т/га бўлиб, назоратдан 2,4 ва 4,3 т/га га юқори бўлди.

6. Зайтуннинг иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қоракўз» навларининг меваларида эти ва данагининг ўзаро нисбати юқори кўрсаткичларда бўлиб, мос ҳолда 76:24 ва 74:26 фоизни ташкил этади.

7. Зайтуннинг иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қоракўз» навларини яшил қаламчасидан кўпайтиришда 4-5 ойлик новдалардан фойдаланиш ва уларга ўстирувчи модда – корневин билан 15-18 соат давомида ишлов бериш қаламчаларнинг 85,3% гача илдиз олишини таъминлайди.

8. Зайтуннинг иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қоракўз» навларини махсус иншоотда сунъий субстратда ярим ёғочлашган яшил қаламчасидан кўпайтириш иқтисодий жиҳатдан самарали усул бўлиб, иншоотнинг 900 м<sup>2</sup> (умумий майдон 10 сотих) фойдали майдонидан 68 млн. сўм даромад олиш ёки 310% гача самарадорликка эришиш имконини беради.

9. Ўзбекистоннинг Фарғона вилояти шароитида зайтун етиштириш учун мевачилик фермер хўжаликларига:

иқлимлаштирилган «Изумруд» ва «Қоракўз» навларини экиш;

ушбу навларни яшил қаламчасидан кўпайтириш учун 4-5 ойлик новдалардан фойдаланиш;

яшил қаламчаларга ўстирувчи модда – корневин билан 15-18 соат давомида ишлов бериш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО АГРАРНОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**ЮЛДАШЕВА ХАВАСХОН ТОЖИДИНОВНА**

**БИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ, ХОЗЯЙСТВЕННО-ЦЕННЫЕ  
ПРИЗНАКИ СОРТОВ ОЛИВЫ И РАЗРАБОТКА СПОСОБОВ ЕЁ  
РАЗМНОЖЕНИЯ В УСЛОВИЯХ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ**

**06.01.07 – Плодоводство и виноградарство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/Qx112.**

Диссертация выполнена в Андижанском филиале Ташкентского государственного аграрного университета.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

- Научный руководитель:** **Ёрматова Дилором Ёрматовна,**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор
- Официальные оппоненты:** **Исламов Сохиб Яхшибекович**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор
- Жураев Эркин Бахтиёрович**  
доктор философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам
- Ведущая организация:** **Научно-исследовательский институт садоводства, виноградарства и виноделия имени академика Махмуда Мирзаева**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером \_\_\_\_\_). (Адрес: 100140, г.Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки номер \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Х.Ч.Буриев**  
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

**З.А.Абдикаюмов**  
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.с.-х.н., доцент

**М.М.Адилов**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.с.-х.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире на сегодняшний день насчитывается свыше 750 миллионов маслиных деревьев, из которых 95% находятся на территории стран Средиземного моря. 93% производства продукции оливы приходится на долю таких государств Европы, как Испания, Италия, Греция. Самые крупные оливковые сады находятся в Испанской провинции Жаен, где имеется свыше 300 миллионов штук маслиных деревьев. В связи с тем, что маслина является очень питательным растением, в составе плодов которой в большом количестве имеются масло, сахар, пектин, витамины групп А, В, С, Е, Р, она богата такими зольными веществами, как К, Fe, Р, ежегодное мировое производство оливкового масла составляет 600000-1000000 тонн<sup>1</sup>.

Во всем мире проводятся широкомасштабные научные изыскания по интродукции масликового растения из других стран, исследованию их морфобиологических свойств, созданию новых интродукционных высоко урожайных, толерантных к внешним факторам сортов и разработке усовершенствованных элементов технологии их выращивания. В частности, выведены всемирно известные сорта Каламата, Мавроэлия, Халкидики (Греция), Понтентин, Гаэта (Италия), Гемлик (Турция), Гордаль (Испания) с черными, зелеными и золотистыми плодами. В европейских странах, занимающих ведущее положение по выращиванию оливы, разработаны ускоренные методы возделывания маслины, современные интенсивные технологии по созданию масликовых плантаций.

